



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 31 декабрь, № 253 (4663)

Чоршанба

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Янги, 2009 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига қатор хрижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари тинчлик-осойишталик, бахт-саодат ва омонлик илаб, ўзларининг эзгу ниятлари изҳор этилган амимий қутловларини йўллаганлар.

Жумладан, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевдан қўйидаги мазмунда табрикнома олинди:

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич, Янги йил муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Утаётган йил стратегик ўриклик ва иттифоқчиликнинг мустаҳкам тамойилларга асосланган Россия — Ўзбекистон муносабатларининг янада мустаҳкамланиши билан алоҳида ўрин тутади.

Турли мавқедаги доимий мулоқот икки томонлама серкирра алоқаларни ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқда. 2009 йил январь йида Тошкентда бўлажак музокараларимизга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилишига катта эътибор ермоқдаман. Бу музокаралар барча йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизни кучайтиришда алоқли омил бўлиб хизмат қилади.

Ишончим комилки, кириб келатган янги йилда Россия билан Ўзбекистон ўртадаги ўзаро ҳамкорлик мамлакатларимиз халқлари аравонлиги, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида янада адал суръат билан ривожланиб бораверади.

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва равақ тилайман.

Эхтиром ила,

Дмитрий МЕДВЕДЕВ,  
Россия Федерацияси Президенти.

### Шунингдек,

Хитой Халқ Республикаси  
Раиси Ху Цзиньтао;  
Германия Федератив Республикаси  
Президенти Хорст Кёлер;  
Миср Араб Республикаси  
Президенти Муҳаммад Хусний Муборак;  
Люксембург Буюк Герцог Анри;  
Туркменистон Президент  
Гурбангули Бердимухаммадов;  
Озарбойжон Республикаси  
Президенти Илҳом Алиев;  
Беларус Республикаси  
Президенти Александр Лукашенко;  
Тожикистон Республикаси  
Президенти Имомали Раҳмон  
ҳам ўз табрикномаларини йўллаган.

Табрикномалар келиши ҳақида этмоқда.

## САМАРҚАНД, БУХОРО, ХИВА — САЙЁҲЛАР ОРЗУСИДАГИ ШАҲАРЛАР

«Ўзбекистон — ўз бағриг Буюк Ипак йўли афсоналарини жо этган мафтунро, сирли ва улғувор юрт. Самарқанднинг мадраслари, Бухоронинг хилвақ миноралари ва муш-шаҳар сифатида дунёга донг кетган Хива — буларнинг бари Марказий Осиёда энг бой тарих ва маданиятга эга бўлган Ўзбекистоннинг ахри, бебаҳо дурдоналариdır».

Журналист Лука Сантареллиннинг Италиянинг нуфузли туристик нашрларидан бири — «Сайёҳлик кундаликлари» журнали саҳифаларида чоп этилган мақоласи ана шундай бошланади.

«Сайёҳлар бир бор кўриш ниятида бўлган Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент ўз жозибдорлиги билан уларга тасаввур қилганларидан ҳам улғувор эканлигини намойиш этади ва олам-олам таассурот бахш этади, — дейди журналист. — Самарқанд — бу маданиятлар чор-

(Давоми 2-бетда).

## ЁШ ОИЛАЛАР — ЖАМИЯТИМИЗ ТАЯНЧИ

Мамакатимиз раҳбари ташаббуси билан эълон қилинган «Ёшлар йили» халқий, жамоатчилигимиз, айниқса, ёшларимиз ҳаётида улкан ўзгаришлар, қувончли воқеалар билан ёдда қолмоқда. Бу борада қабул қилинган махсус давлат дастурининг амалга оширилиши туфайли нафақат вилоят, шаҳар ёки туман марказларида, балки олис қудудларда ҳам фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитларда камолга етиши учун пухта замин яратилди.

### Ифтихор

Табиики, ёшлар ҳақида сўз борганда, жамиятимиз пойдевори бўлган ёш оилалар моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётганини алоҳида тилга олиб ўтиш жоиз. Зеро, давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганидек, бу масала олдимизга қўйган энг эзгу ва юксак марраларга етишининг асосий омилларидан биридир.

Айни кунларда мамлакатимиздаги минглаб ёш оилалар ана шу юксак фарқорликдан баҳраманд бўлиб, Янги йилни хуш кайфиятда қарши олаётганликлари бор гап. Хусусан, сиз сураётда кўриб турган Қарши шаҳрилик Зафар Турсунов ҳамда унинг рафиқаси Барно Ражабова ҳам жажжи фарзандлари Асила билан куни кеча янги уйга кўчиб чиқиди. Улар Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида уч хонали ўз уй-



ларига эга бўлдилар. Айтиш жоизки, Янги йил байрами арафасида Қарши шаҳрида ёш оила-

ларга мўлжалланган 2 та 32 хонадонли кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. Ёшларнинг уй-жойли-

булишида «Камолот» ёшлар иқтисодий кредитлари катта қўмак бўлди. Жамшид НОРҚОБИЛОВ олган сурат.

## НАТИЖАЛАР САРҲИСОБ ҚИЛИНИБ, ИСТИҚБОЛЛАР БЕЛГИЛАНМОҚДА

Айни кунларда дунёнинг турли мамлакатларида Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий-иқтисодий тараққиётига бағишланган учрашув ва тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Уларда 2008 йилда мамлакатимиз эришган натижалар сарҳисоб қилиниб, келажақдаги тараққиёт истиқболлари кенг муҳокама этилмоқда.

Ана шундай учрашувлардан бири яқинда мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонасида бўлиб ўтди. Унда ГФР федерал ва ўлка ҳукуматлари вакиллари, Бундестаг депутатлари, Германиянинг иқтисодий-сиёсий, илмий-академик, ишбилармон доиралари вакиллари, Берлинда аккредитациядан ўтган дипломатия корпоруси ходимлари иштирок этди.

Мехмонлар Ўзбекистоннинг жорий йилда иқтисодий-иқтисодий, сиёсий тараққиёт борасида қўлга киритган натижалари, мамлакатимизда амалга оширилган жамиятнинг демократлаштириш ва модернизациялаш жараёналари билан танишди. Учрашув қатнашчиларига Президент Ислам Каримов-

нинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасининг асосий жиҳатлари ҳақида маълумот берилди. Асосий Қонунимизнинг юртимизда мустақиллик йилларида демократик ва ҳуқуқий давлатни босқичма-босқич барпо этишдаги аҳамияти хусусида атрафлича гапириб берилди. Жумладан, мамлакатимизда мустақиллик даврида қўлга киритилган натижалар юртимиз таъкидланган тараққиёт йили нақадар тўри эканлиги намойиш этиб, у халқимизнинг узоқ муддатли манфаатларини кўзлашти таъкидланди. Шу ўринда иштирокчилар Ўзбекистон Конституцияси мустақил тараққиёт жараёнида юза-

га келувчи масалаларни ҳал қилишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиб келаётганини ҳам қайд этишди.

Учрашувда, шунингдек, Ўзбекистонда жаҳон молция инқирози таъсирининг олдини олиш йўлида кўрилатган чоралар хусусида сўз борди. Мамлакатимиз бунинг учун барча имконият ва шарт-шароитларга эга эканига алоҳида ургу берилди.

Иштирокчиларга Ўзбекистонда «Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинган 2009 йил учун белги-ланган мақсад ва вазифалар хусусида ҳам ахборот берилди.

Учрашув якунида меҳмонларнинг айримлари ўз таассуротлари билан ўртоқлашди. Жумладан, Германиянинг фе-

дерал Адлия вазирлиги ҳузурдаги Ҳуқуқ соҳасидаги халқаро ҳамкорлик жамғармаси раҳбари Матиас Веккерлинг Ўзбекистон жорий йилда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида жиддий қадамлар ташлаганини қайд этди. Бу ҳақда гапириб, у мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилингани, «Хабас корпус» институтининг жорий қилиниши ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги бошқа муҳим чора-тадбирларни алоҳида таъкидлаб ўтди.

Германиялик ҳуқуқшунос ўзи раҳбарлик қилаётган жамғарма Ўзбекистоннинг бир қатор вазирлик ва идоралари билан самарали ҳамкорлик ўрнатганини маънуният билан қайд этди. «Ўзбекистон бизнинг Марказий Осиё давлатлари орасидаги илк ҳамкоримиздир. Мамлакатингиз билан

(Давоми 2-бетда).

«Ўзбекистонни жаннатмонанд ўлка дейишлари беҳиз эмас экан. Заминингиз саховатли, одамларингиз кўнгли очик, миллий қадриятларингиз ғоят ажойиб ва жуда бой. Янги йил арафасида Тошкентнинг кенг кўчалари ва майдонлари, сайилгоҳлари, меҳмонхона ва ранг-баранг байрам томошаларини катта қизиқиш билан кузатмоқдаман».

## «ЭРТАКЛАР ШАҲАРЧАСИ»ДА БОЛАЛИГИМГА ҚАЙТГАНДАЙ БЎЛДИМ

Бу — Янги йил байрами арафасида пойтахтимиз кўчаларида, болларидан ва муваззам майдонларида кўплаб учратиб мумкин бўлган чет эллик меҳмонлардан бири — франциялик Даниель РЕЙНАРТнинг гаплари.

«Янги йил барча, айниқса, кичкинтойлар иштиқлиги билан кутадиган байрам, — дейди Д. Рейнарт. — Юртингизда байрам кунлари болаларнинг мароқли хордик чиқариши учун яратилган шароитга ҳавасим келди. Ҳар томонлама дидил ривожланиётган Ўзбекистонга меҳрим янада ошди».

— Мамлакатингизга илк саёҳатим жуда мазмунли ўтмоқда, — дейди Карл ХЕРМАН (Германия). — Юртингизни телевидение орқали томоша қилиб, бу ерга оила билан келишни ният қилган эдим ва орзумига етганимдан хурсандман. Саёҳатимиз асосида олган таассуротларимни таърифлашга ожизман. Мустақиллик майдонида безатилган улкан арча, турфа ўйинчоқлар, арча атрофида рақсга тушаётган шўх-шодон болалар майдонини эртақлар шарҳасига айлантириб юборган. Фарзандлари билан айланган юрган ота-оналарни, байрам совғалари харид қилаётган кувноқ ўшларни, болакайларга совға улашайтган Корбобо ва Корқизни кўриб, юртингизга, одамларингизга чин дилдан ҳавасим келди. Бу ерда менинг фарзандларим ҳам яйрапти. Юртингизда болаларнинг қишки таътили жуда мароқли ва сермазмун ўтиши учун яратилган шарт-шароит таъсирга лойиқ.

Фурсатдан фойдаланиб, қисқа вақт ичида менга қалбан яқин бўлиб қолган халқингизни яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан табриклиайман. Ўзбекистоннинг истиқболда янада юксалишига ишончим комил.

(Давоми 2-бетда).

## Кўнгишлар шодланди

Бухорода «Президент арчаси» шодиёналари ўзгача бир руҳда ўтди.

32-Меҳрибонлик уйи, вилоятлараро ихтисослашган болалар уйи тарбияланувчилари, эҳтиёжманд оилалар фарзандлари «Бухоро-Палас» меҳмонхонасининг байрамона безатилган муҳташам залига тўпландилар.

Вилоят ҳокими С. Хусенов, республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-ама-

лий маркази раҳбари М. Куронов ўғил-қизларни Янги йил билан қутладилар. 286 нафар етим ҳамда боқувчисини йўқотган болаларга Президент совғалари топширилди. Вилоят кўғирчоқ театри болаларга байрам томошасини намойиш этди.

Истам ИБРОҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» муҳбири.

### Яхши хабар

Кўнгишот сода заводи халқаро мукофотга лойиқ қўрилиб, унга «Олтин қоплон» ҳайкаласи топширилди.

## Корхона халқаро мукофот соҳиби

Мақур мукофот Европа бизнес ассамблеяси (Буюк Британия), Халқаро саноатчилар ва тадбиркорлар конгресси (Россия) ва Ишбилармон доиралар ассамблеяси томонидан таъсис этилган бўлиб, ўзининг сифатли маҳсулотлари билан дунё бозорига дадил кириб келаётган компанияларга топширилади.

Этироф этиш керакки, Кўнгишот сода заводи маҳсулотлари нафақат ички бозорда, балки ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам хариддоргир бўлиб бормоқда.

М. ХАЙДАРОВ.



## Инвестициялар — ишлаб чиқариш қурилишига

2008

Йилнинг тўққиз ойи давомида мамлакатимизда капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмида ишлаб чиқариш қурилишига инвестицияларнинг

71,1 фоизи йўналтирилди.

Инвестиция дастурининг бажарилиши, ўз навбатида, жойларда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, иқтисодийнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш, техника ва технологик янгилаш имконини берди.



БИР РАҚАМ ШАҲИ





**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ  
РАМЗ БОБОЖОН**



Ўзбек адабиёти оғир жудолликка учради. Ўзбекистон халқ шоири, таниқли драматург ва таржимон Рамз Бобонон (Рамз Носирович Бобононов) 87 ёшида вафот этди.

Рамз Бобонон 1921 йил Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топди. Дастлаб Таълим ва тарбия билим юртида, сўнгра Тошкент давлат педагогика институтининг (ҳозирги Низомий номидаги педагогика университети)нинг тил ва адабиёт факультетини тахсил олди. Меҳнат фаолиятини ёшлар газетасида бошлаган ижодкор кенгайинчилик радиокomiteтида муҳаррир, Адабиёт ва санъат нашриётида директор бўлиб ишлади, кўп йиллар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, "Ватан" жамияти раҳбари лавозимида хизмат қилди.

Рамз Бобонон сермазмун ижод йўлини босиб ўтди. Шоирнинг илк тўплами 1939 йили нашр этилган. Қарийб ярим асрлик ижодий фаолияти давомида Рамз Бобононнинг ўттизга яқин шеърини китоблари, жумладан, "Ҳада", "Олтин камалак", "Водий бўйлаб", "Севги сирлари", "Сенга, севгилим", "Биринчи парвоз", "Муҳаббатга таъзим", "Сенинг меҳринг" сингари мажмуалари, "Сайланма асарлари" адабиёт муҳлисига тақдим этилди.

Замонавий ўзбек достончилигида Рамз Бобонон қаламига мансуб "Оби ҳаёт" асарининг алоҳида ўрни бор. Бу достонда атоқли шоир халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини, дўстлик туйғусини улуғлаган. Унинг шеър ва достонлари бир қатор хорижий тилларга таржима қилиниб, чоп этилган.

Рамз Бобонон драматург сифатида ҳам фаол ижод қилди. Унинг "Тоға ва жиянлар" комедияси, "Юсуф ва Зулайхо" драмаси томошбонларнинг қизгин эътирофи сазовор бўлиб, театр санъатимиз тарихида ўзига хос ўрин тутди.

У жаҳон адабиётининг мутоз намуналарини, жумладан, А.С. Пушкин, М.Ю. Лермонтов, Н.А. Некрасов, А.А. Твардовский, Н. Тихонов сингари рус шоирларининг шеър ва достонларини, Г. Ибсен, С. Михалков, Н. Хазрий драмаларини она тилимизга маҳорат билан таржима қилди.

Рамз Бобонон мустақил йилларида ҳозиржавоб публицист сифатида ўзининг бади ва мақолалари билан истиқлолимизни тараннум этишга муносиб ҳисса қўлди.

Рамз Бобононнинг ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги катта хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У "Ўзбекистон халқ шоири" фахрий унвони ва "Эл-юрт хурмати" ордени билан мукофотланган эди.

Таниқли шоир, меҳрибон устоз, камтарин инсон Рамз Бобононнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

**И. КАРИМОВ, И. СОБИРОВ, Д. ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш. МИРЗИЁЕВ, Х. СУЛТОНОВ, Р. ҚОСИМОВ, А. ОРИПОВ, Э. ВОХИДОВ, П. ҚОДИРОВ**

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўрғазмалар залида "Табиат ва рессом" мавзудаги анъанавий кўрғазма очилди.

**ТАБИАТ ВА РАССОМ**

Унинг очилишида Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Т. Қўзиев Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда миллий санъатимизни раванқ топтириш, ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ижодий парвозлар сари даъват этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

"Табиат ва рессом" кўрғазмаси мусаввирларимизнинг ўзига хос ижодий сарҳисоби бўлиб, унда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида яшовчи мўйқалам соҳибларининг уч юздан зиёд ижодий иши намойиш этилмоқда.

**Назкат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга асосан, ногиронларни ўз вақтида реабилитация техник воситалари (ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламалари, ҳасса ва қўлтиктаёқлар) ва протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида протез-ортопедия маҳсулотлари (10 500 та) ва реабилитация техник воситалари (ногиронлик аравачалари (кресло аравача 1 100 та, кичик габаритли аравача 500 та), эшитиш мосламаси (1 000 та), ҳасса (5 000 та) ва қўлтиктаёқ (3 000 жуфт) харид қилиш бўйича

**очик тендер савдоси ўтказида ҳамда ушбу воситаларни ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотларни тендер савдосига таклиф қилади.**

Тендер савдосида иштирок этиш истагини билдирган ташкилот (корхона, фирма ва бошқа)лардан тендерга оид ҳужжатларни олиш учун 200 000 (икки юз минг) сўм миқдоридagi маблагни вазиликнинг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари талаб қилинади:

ЎзСҚБ «Ракат» бўлими, х/р 20203000700114490001, банк коди 00435, ИНН 201190645, ОКОНХ 97300.

Тендер савдосида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, жумладан, кичик бизнес корхоналари ҳам иштирок этишлари мумкин.

Маҳсулотларнинг етказилиши — 2009 йил 1, 2, 3, 4-кварталга.

Дастлабки квалификация танлов 2009 йил 25 январьга ўтказилади.

Тендер комиссияси томонидан ҳужжат қабул қилишнинг охири мuddати — 2009 йил 2 февраль куни соат 16.00 га.

Тендер савдоси 2009 йил 3 февраль куни соат 15.00 да вазирик биносида ўтказилади.

Қўшимча маълумотларни вазиликнинг 239-88-33, 239-88-45, 239-88-26 телефон рақамлари орқали олиш мумкин. Факс: 239-88-45.

Манзилими: Тошкент шаҳри, 100100, Яққасарой тумани, А. Авлоний кўчаси, 20-«А» уй, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирилиги.

**ЖАҲОН** 24 соат ичида

**Мўъжаз телефон**

«LG» компанияси мутахассислари худди соат каби қўлга тақиб юрса бўладиган мўъжаз уяли телефон яратишди.



«LG-GD910» номини олган мазкур аппаратда ҳозирги уяли алоқа телефонларида

мавжуд бўлган барча имкониятлар мужжасам этилган. Шунингдек, янги маҳсулот интернетдан бир сонияда 7,2 мегабайт тезликда маълумотларни қабул қилиш имкониятига ҳам эга.

«LG-GD910»нинг расмий тақдироти Лас-Вегас шаҳрида ташкил этиладиган электроника маҳсулотлари истеъмолчилари кўрғазмасида ўтказилади.

**Янгича тартиб жорий этилади**

«AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, 2010 йилдан бошлаб Жапоний Кореяга келувчи сайёҳлар учун янги тартиб жорий этилади.

Унга қўра, ташриф буюрувчилар мамлакат худудига киришдан олдин ўз суратлари ҳамда бармоқ изларини топширишлари лозим бўлади. Бу борада янги қонун лойиҳаси тайёрланган ва у кейинги йил мамлакат парламентида қўриб чиқилади.

Ҳукумат вакилларидан бирининг изоҳлашича, бунинг замирида халқро терроризм, жиноятчилик ва чет эл фуқаролари томонидан мамлакат худудига содир этилиши мумкин бўлган қонунбузарликларга қарши курашиш чора-тадбирлари мужжасам.


Айтиб ўтиш керак, айни пайтда Япония ва АҚШда ҳам худди шундай тартиб жорий этилган.

**Зарар миқдори анча ошган**

«Munich Re» компанияси томонидан олиб борилган кузатишларга қўра, 2008 йилда табиий офатлардан кўрилган зарар миқдори 2007 йилга нисбатан анча ошган.

Ачинарли жиҳати шундаки, табиат инжиқликлари туфайли жорий йилда 200 минг киши ҳаётдан кўз юмди. Массалан, май ойида Мьянмада кузатишдан биргина «Наргис» тўғриси 77 минг одамнинг умрига зомин бўлди. 56 минг киши бедарак йўқолди. Табиий офат Мьянма иқтисодиётига 10 миллиард АҚШ доллари миқдоринда зарар етказди.

Хитойнинг Сичуань музофотида юз берган 7,8 балли зилзила оқибатида эса 70



минг фуқаро қурбон бўлди. Мамлакат иқтисодиёти 153 миллиард АҚШ доллари миқдоринда зарар кўрди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

**ООО «Росагропромснаб» предлагает:**  
**СЧЕТЧИКИ ГАЗА**  
ультразвуковые «Гобой-1»

Цена - от 1 365 000 сум.

Ду, мм	Типоразмер	Мин. расход, Qмин, м³/час	Максим. расход, Qмакс, м³/час
25	G10	0,16	16(25)
40	G25	0,40	40(65)
65	G65	1,00	100(160)

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на продукцию - 12 месяцев со дня установки. Отдельно предприятие поставляет фильтры различных диаметров.

Т.ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90  
Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-п Ц, д. 6 (ор-р - перекресток «Шухрат») Товар сертифицирован

Газетанин 26 декабрь сонида «Мелиоконсалтинг» МЧЖ томонидан Акциядорлик тижорат Ипотека банки бўлимининг спорт-соғломлаштириш мажмуаси қошидаги ошхонага қўшимча ишшоот қурилиши бўйича танлов савдоси эълонидаги ишларни тугаллаш мuddати — 2009 йил 31 март деб ўзгартирилди.

«Дўстлик» агрофирмаси Навоий кон-металлургия комбинатининг кўп тармоқли йирик хўжалиги ҳисобланади.

**25 миллиард сўмлик маҳсулот**

Агрофирма қончиларга мева, сабзавот-полиз, гўшт ва сўт маҳсулотлари етказиб беради. Исроил уқунаси билан жиҳозланган корхонада ҳозирда тўқуз турдаги қадоқланган маҳсулот тайёрланаётти. Чорвачилик фермасида эса 480 бош эотли қўра мол боқилмоқда. Уларнинг 280 бошини соғин сигирлар ташкил этади. Жорий йилда ҳар бош соғин сигирдан ўртача 3,6 минг литрдан сўт соғиб олинди.

Хўжалик аъзолари 2008 йилда жами 2,5 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришдилар.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

**«МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ**

*барча ватандошларимизни*  
**Янги — 2009 йил**  
*билан муборақбод этади.*

**Қадрли тadbиркорлар!**

«Микрокредитбанк» эл фаровонлиги учун яратувчилик борасидаги барча режаларингизни амалга оширишда сизни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди!

Айниқса, оиласи учун доимий даромад манбалари яратишга бел боғлаб, тadbиркорликни бошлаётган ва сервис хизматини йўлга қўйишга киришган ёшларга, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ҳаракат қилаётган тadbиркорларга янада яхшироқ имтиёз ва имкониятлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 10 ноябрдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тadbиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан,

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг:

- бошланғич сармояни шакллантириш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваридан 200 бараваригача миқдорда бериладиган микрокредитлари учун тўланадиган йиллик фоиз тўлови 5 фоиздан 3 фоизга;
- кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдоридagi микро-кредитларнинг йиллик фоизи Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 100 фоизидан 50 фоизга;
- энг кам иш ҳақининг 2000 баробари миқдоринда бериладиган имтиёзли микролизинг хизматлари учун тўланадиган йиллик фоиз 7 фоиздан 5 фоизга туширилди.

Тежалган ва жамғарилган сармояларингиз янада катта режаларни амалга оширишга хизмат қилиши мумкин.

**ТАКЛИФ СИЗДАН — САРМОЯ БИЗДАН!**

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки шу кунларда жисмоний шахслар учун ўзининг юқори фоизли «Янги йил совғаси», «Тараққиёт» ва «Фаровонлик» номли янги омонат турларини жорий этди. Шунингдек, банк аҳолига турли қулайлик ва имтиёзларга эга бўлган «Истиклол», «Иқбол», «Ёшлик», «Антиқа», «Сармоя», «Коммунал-люкс», «Она юрт», «Омад», «Кумуш тола», «Меҳрибонлик», «Мададкор», «Камалак», «Нурафшон», «Мафтункор» ҳамда чет эл валютасида қабул қилинадиган «Ишонч», «Кафолат» ва «Ишонч плюс» сингари омонат турларини таклиф этади.


Хизматлар лицензияланган.

Омонатга қўйилган маблағингиз Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига асосан давлат томонидан ҳимояланган ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонунан таъминланади.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 273-28-11, 273-05-87, 273-43-11. Манзилимиз: 100096, Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 14-уй.

Қачон Қувадан Тошкентга келсам, соғинган жигарларим, ҳамкасбларим мени қойишади: — Қишлоқда нима бор? Қувادا нима учун юрибсиз? Қишлоқ шароити қийин-ку!

Мен уларга ҳазил аралаш жавоб қайтараман: — Қайнотам ҳовлисига бир хум тилло кўмиб кетган. Ушани қўриқлаб ётибмиз... Шундай дейману ўйга толаман. "Бир хум тилло" деганим нима ўзи?



ралари кўпайса, қўйлари эгиз туғса, уйларига меҳмон келса, улар учун байрам!

Мен ҳам улардан меҳроқибат кўриб, қўл қовуштириб ўтиганим йўқ. Қалб кўримни, ширин сўзимни уларга улашдим. Мен маҳалланинг беминнат кутубхоначисман. Маслаҳатчисиман. Аёллар қўиларни яшашни билишга, оилада кеңиримили бўлишга, тилни тиш орқасида сақлашга, дам олишни, даволанишни билишга ўргатадиган давлатчиман.

Шўкр, бир кўшим узоқ суҳбатларимдан сўнг ичкиликни бутунлай ташлаб юрдим. Уй-жойини, оиласини обод қилди. Ўзғорига барака кирди. Тўғри йўлни топиб

олди. Қизчалари билан ота-онасиникига қайтиб келган келиннинг эри, қайнонаси келбига йўл топдим. Улар ярашиб, яшаб кетишди. Уғил кўриб, тўйлар қилишди. Бундай мисоллар жуда кўп.

Қуваликларнинг яна бир яхши фазилати бор. Улар Қувани дунёга танитган ватандошлари билан фахрландадилар. Номларини эъозлайдилар. Буюк астроном, тадқиқотчи олим Аҳмад Ал-Фаронийнинг мустақиллик шарофати билан Қувага қайтгани, шахристонда алломага ҳайкал ўрнатилгани қуваликларнинг руҳини кўтариб юборди. Бу ўзгал, маҳобатли майдон доимо гавжум. Ҳа, бу манзил ўзининг бой ўтмишига, ибратли тарихига эга юрт.

Ҳа, мен айтган бир хум тилло — бу қуваликларнинг обрў-эътибори, меҳр-муҳаббати, одамгарчилиги-ю содда-беғуборлиги ва, албатта, қишлоқ ҳаволари. Бир хум тилло — бу, Қувادا топан қардон, беғубор дўстларим! Меннинг энди Тошкентдагина эмас, Қувادا ҳам дўстларим бор! Мен энди фақат Тошкентни эмас, Қувани ҳам, унинг кенг далаларини ҳам соваман. Бу манзилнинг қўвончу ташвишига шерикман, қўлимдан келганча камарбастаман. Ва ақалли бир нозик новда каби бу улкан дарахтта пайванд бўлиб кетган бўлсам, бахтиёрман! Қуважон, республикамиздаги барча қишлоқлар каби пешонажон яна ҳам яқинлашган жуда-жуда истиқомат, ишончман! Чунки, Ўзбекистонимиз 2009 йилни "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилди. Муборак бўлсин!

Саъбат МАХМУДОВА.

# ҚАДРДОН ДАЛАЛАР, МЕҲРИБОН ДЎСТЛАР...

Тошкентда яшаб, жавлон уриб ишлаб юрган кезларимиз ёз кунлари меҳнат таътилида болаларни етаклаб, қайнона-қайнотамни кўргани қишлоққа келарди. Улар, рўзгорлари юпун бўлса-да, бағирларини кенг очиб, хокисор қалбларини дастурхон қилиб, қўйларида ажиб бир меҳр, ажиб бир қизиқиш билан кутиб олишарди. Кўшнлардан тинмай меҳмон таомлар чикар, боз устига, бир кунда уч-тўрт жойга бир пиёла чойга таклиф қилишарди.

Меҳр-ардоқ билан бойган кўнглимизни чоғ қилиб, йўлга отланар эканмиз, қайнотам беозор жилмайиб: "Келганларингиз яхши-ю, кетганларингиз ёмон-да. Қани энди, шу кенг жойларга уй қуриб яшасанглар, ҳаляим бўлса, пенсияга чиққан, қишлоққа келинглар-а! Хўпми?" дерди. Биз "хўп" деб, уларнинг дуоси билан Тошкентга ошкардик. Ҳа, ўша пайтлар биз уларнинг таклифини бир афсона, деб билардик.

Йиллар ўтди. Қалам учи билан топганларимизга болаларни катта қилиб, узатиб, уйлантириб, келинлару набибалар билан "этак уйда" яшагач, кексаларнинг донишмандлиги, уларнинг рози-ризалигичи-ю, нозик кўнгли жаҳида кўп уйландик. Айниқса, ота-онам, кейин қайнона-қайнотам раҳматли бўлишгач, бағримиз хувилаб қолди. Меҳр ташналиги билинди. Оҳ, улар нақадар ганимат экан-а! Энди ақалли камтарин васиятларини адо этиш — чирокларини ёқиб ўтириш қўлимиздан келар...

Пенсияга баб-баравар чиқдик. Эртасигаёқ умр йўлдошим Бекмирза ака йўлга отланди.

Ассалом, қишлоқ! Биз бағрингизга яхши ниятлар билан келдик. Насиб этиб, жон-жонингизга пайванд бўлиб кетолсак... кошқийди.

Ушанда 1991 йилнинг баҳори эди. Еринг чор атрофига терак ниҳоллари экдик, иморатга ёғоч бўлсин, деб. Битталаб гишт қўйдик, қаттиқ ердан таталаб чиққан бойчечакдек чидамли бўлиб. Чуқмоликке ўзимиздан, қаламимиздан оғир юкни елкамизга ортидик... Ҳай-ҳай, ёлғизланиб қолмадик. Бекмирза акани эшитганки, елка тутиб ҳашарга келдик. Қурилиш ташкилоти раҳбари, иккинчи жаҳон урушининг доворак қаҳрамони, бугунги кунда ёшлари тўқсонга борган Абил ота Қаймонов мисоли ота бўлиб, қурилишнинг бошида турди. Мард, бир сўзла йигитлардан Рустамжон Салимов ҳам ёрдамга ошдик. Кўпни кўрган, умри яхшиликлар билан ўтган Ҳасанбой Кўчқоров ҳам қишлоқ қандай бўлишини намоян этди. Чекка қишлоқда уй қурганимизни анча кеч эшитган шоритабат инсон Муҳаммаджон Носиров "Эсизгина, туман марказидан жой беришга хисса қўшармидик, ёрдамга қўл чўзармидик", деб ачинибдилар. Ва ҳаляим бўлса қараб турмай, ёзда чанг, қишда лой бўлиб ётадиган, дала йўли ҳисобланган 1,5 километрик кўчанимизни асфальт қилишда бош-қош бўлдилар. Байрам бўлиб кетди, кўчамизда...

"Саодат" журналимизнинг Қувاداги домий мухлислари бўлиб келган шора Зухра Алиева, муаллималар Кароматхон Ҳожима-

това, Ўқтамжон Топволдиева, Манзур Юсупова, маҳалладошларим Умрхон ая, Муяссархон, Мақсудахон, Эътибор Санталатхон, Маҳбуба-ю Мунисохон, туғишган синглимга айланган, уй битгунча бизга бошлана, туз-намак берган овсиним Инобатхон ва бошқалар имкон қадар ёнимизда бўлишди. Биз билан бирга келган, қишлоққа алоҳида меҳр қўйган кенжа ўғлим Азаматжоннинг

уоб ўртага қўйишади-да, худди пазовхонтўрадек, олинг-олинг билан тамомлаб қўйишади. Болаларнинг қўлидан уззу кун, анор тушмайди.

## 2009 Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

тўйларига ҳам шулар бош-қош бўлишди. Тўйга аталган кўрпак-ёстиқлар ҳам шулар қўлидан чиқди. Қувалик ҳофиз Абдулҳай Каримов эса тўйимизга алоҳида фойз бағишлади.

Қишлоқ халқи ана шунақа!


Раҳматли қайнотам Махмуд ота Қосимов, қайнотам Зебихон ая ҳар келганимизда Қувани, Қува анорини мақташарди. Мен "Тошкент бозорларида ҳам Қува анори кўп!" десам, отам бўш келмай, "Ўз қўлинигиз билан туپидан узиб ёганимиз гашти бошқача, мазаси бошқача. Фойдаси бошқача!" — дерди ифтихор билан.

Дарҳақиқат, мен ён-веримиздаги катталару болаларнинг бетоб бўлишганини, дори ичганини кўрмадим. Чунки анорга ранг кириши билан улар анорхўрликни бошлаб юборишади. Барқашга

Куваликлар тайёр уйни камдан-кам харид қилишади. Улар ўз қўллари билан уй қурадилар. Бунинг учун аввало яхши ният билан терак ниҳоллари экадилар. Гишт қуядилар. Ҳашар уюштирилади. Икки-уч йилда, баъзан бир мавсумда уй тайёр! Ер қуваликларнинг жони. Пахта, бугдой, шולי, маккажўхори, мош, ловия, нўхат, минг бир хил сабзавот, қовун-тарвуз, кунга-боқар, яна нима деҳқончиликка тегишли бўлса етиштиришади. Қувادا, яъни қишлоқларимизда ҳаммининг ери бор! Демак, уларнинг эртанги кўни бор! Энг муҳими, улар нолиш нималигини билишмайди. Мўамоларни сабр билан енгил боришади. Ҳа, уларнинг қўндалик широрлари: Сабр! Шўкр! Эртанги кўнга ишон! Уларнинг кўзи тўқ, кўнгли тўқ. Орзулари бир дунё! Наби-

### Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

## «ПАХТАКОР» ўЙИНИНИ ФИФА РАҲБАРИ КУЗАТАДИ



### Қолган гуруҳлар ва мусобақа тақвими куйидагича кўриниш олган:

<b>"В" гуруҳи:</b> "Ашхобод" (Туркменистон), МТЗ-РИПО (Беларусь), "Экранас" (Литва), Россия ёшлар терма жамоаси.	<b>"Д" гуруҳи:</b> "Интер" (Озарбойжон), "Вентспилс" (Латвия), "Дордой-Динамо" (Қирғизистон), "Интер" (Финляндия).
<b>17 январь</b>	<b>18 январь</b>
"Олимпийский" спорт мажмуаси "Вентспилс" — "Интер" (Фин.) МТЗ-РИПО — "Экранас" "Шахтёр" — "Шериф" "Рубин" — "Пахтакор"	"Динамо" манежи "Дордой-Динамо" — "Интер" (Боку) "Ашхобод" — Россия ёшлар терма жамоаси "Левадия" — "Регар-ТадАЗ" "Арабат" — "Актобе"
<b>19 январь</b>	<b>20 январь</b>
"Олимпийский" спорт мажмуаси "Интер" (Фин.) — "Интер" (Боку) "Ашхобод" — МТЗ-РИПО "Шахтёр" — "Левадия" "Рубин" — "Актобе"	"Динамо" манежи "Вентспилс" — "Дордой-Динамо" Россия ёшлар терма жамоаси — "Экранас" "Регар-ТадАЗ" — "Шериф" "Пахтакор" — "Арабат"
<b>21 январь</b>	<b>22 январь</b>
"Олимпийский" спорт мажмуаси "Интер" (Боку) — "Вентспилс" "Экранас" — "Ашхобод" "Шериф" — "Левадия" "Арабат" — "Рубин"	"Динамо" манежи "Интер" (Фин.) — "Дордой-Динамо" Россия ёшлар терма жамоаси — МТЗ-РИПО "Регар-ТадАЗ" — "Шахтёр" "Актобе" — "Пахтакор"
<b>23 январь</b>	<b>24 январь</b>
"Д" гуруҳи голиби — "С" гуруҳи 2-ўрин эгаси "В" гуруҳи голиби — "А" гуруҳи 2-ўрин эгаси "С" гуруҳи голиби — "Д" гуруҳи 2-ўрин эгаси "А" гуруҳи голиби — "В" гуруҳи 2-ўрин эгаси	Ярим финал ўйинлари 23 январь, финал учрашуви эса 25 январь кўни бўлиб ўтади.

## Пойтахтимизда енгил атлетика бўйича Ўзбекистон биринчилиги беллашувлари бўлиб ўтди.

### ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАР ТОШКЕНТДА БЕЛЛАШДИ

Икки кун давом этган мусобақалар якунига кўра, Азим Қурбонов, Бахтиёр Худойбердиев, Андрей Петров, Марат Ҳайдаров, Сергей Мануйлов ва Надежда Кирсанова шохсупанинг юқори поғнасида жой олдилар.

## ЧЕМПИОНЛАР АНИҚЛАНДИ

### Бокс бўйича йилнинг сўнги мусобақасига Фарғона шаҳри мезбонлик қилди.

Бу ерда ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида юртимизнинг номдор боксчилари билан бирга умидли ёш спортчилар ҳам рингга кўтарилдилар. Мамлакат терма жамоасига номзодларни саралаб олиш мақсадида уюштирилган турнир якунида Рафиқ Султонов, Алишер Жумабоев, Шерзод Абдурахмонов, Камол Аҳмедов, Баҳром Хидиров, Уктам Раҳмонов, Сардор Абдуллаев, Расул Жўра-

### Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

## Сўзи ва оила аъзоларингизни Ўнги йил байрами билан ўн кўнглидан муборакбод этамиз!

2009 йилда энг аввало мустақкам сизат-саломатлик, шиларингизда раванк, яхши кайфият, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик ва фойзу барака тилаймиз. Ўнги йилда кўзлаган режаларингиз рўйбга чиққини, эзгу орзуларингиз ижобат бўлишини ният қиламиз!

"Autodom Plus" МЧЖ жамоаси.

GAZ GROUP AVTODOM PLUS

«GAZ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР — ЭРТАНГИ КУНИНГИЗНИ ИШОНЧЛИЛИГИ!

Ўзбекистон, Тошкент ш., 100015, Шаҳриноба кўчаси, 16-А/ уй. Тел: (998 71) 256-10-36, 56-03-62, факс: 256-10-36. Автосалонларимиз: Тошкент: (998 71) 140-41-21, 140-41-22; Давла: (998 374) 971-44-61, 77-24-45; Қўрғон: (998 374) 993-28-30; Наманган: (998 369) 497-80-70; Жезказган: (998 372) 361-78-08; Самарқанд: (998 97) 717-32-17; Бўйри: (998 368) 309-29-40; Навоий: (998 365) 309-29-40; Урганч: (998 962) 220-41-51, 561-99-50; Қарши: (998 77) 204-55-85; Тўшкент: (998 376) 411-65-21; E-mail: info@auto.uz

2009

## МАДАНИЯТ

Садриддин Айний номидаги Бухоро вилояти мусиқали драма театри шу кунларда болажонлар билан гавжум.

## Болажонларга байрам томошаси

Улар ўзлари учун саҳналаштирилган "Янги йил ёдуси" деб номланган асарни мириқиб томоша қилишарди. Драматург Гулчехра Қўлдошова асари асосида яратилган мазкур томоша ўғил-қизлар қалбига янги йил қўвончини олиб қиради, уларни эзгуликка чорлайди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## «Чапанилар» — Ғолиб

Жиззахда Янги йил тантаналарига ҳамоҳанг «Омор» фестивали уюштирилди.

Вилоят мусиқали драма театрида бўлиб ўтган ушбу тадбирда академик лицейлар, коллежаларнинг истеъдодли ўқувчилари ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Қўлги кечаси иштирокчилари бешта шарт бўйича ўзаро беллашдилар.

Тадбир хайъати аъзолари Жиззах давлат педагогика институти қошидаги академик лицейнинг «Чапанилар» жамоасини фестиваль ғолиби деб топди.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Мактабда музей

Учқудуқ шаҳридаги 4-умумтаълим мактабда ўлкашунослик музейи фаолият бошлади.

Бу хайрли иш мактаб директори Э. Андреевнинг ташаббуси билан амалга оширилди. Музейда шаҳар тарихи хусусида ҳикоя қилувчи ҳужжатлар, биринчи маъдан изловчиларнинг жасоратли меҳнатидан ҳикоя қилувчи фотолар, маҳаллий шоиру ёзувчиларнинг китоблари жамланган. Шунингдек, нодир табиий маъданлардан намуналар ҳам қўйилган.

Э. ҲАМДАМОВ.

## Мушоира этади давом

Қарши туманилик шоира Адиба Умирова «Шеър, газалда истиқлол мадҳи» талловида ғолиб чиқиб, бosh соврин компьютер жамланмасининг эгаси бўлди.



Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Қашқадарё вилояти бўлими Ёшлар йили муносабати билан ватанпарварлик мавзусидаги асарлар учун эълон қилган бу танловда издан ортқк ёш ижодкор иштирок этди. Қарши банк коллежи ўқувчиси Наргиза Муродова ва Қарши туманидаги 10-мактаб ўқувчиси Мафтуна Норматова иккинчи, Қарши педагогика коллежи ўқувчиси Қирғизгул Норматова ва Чирқчи туманидаги 20-мактаб ўқувчиси Лобар Баратова учинчи мукофотга сазвор бўлдилар. Яна 26 нафар ёш ижодкор турли йўналишлар бўйича эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Бўри НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректорати, касабаяношмаси "2-Ақшурлик ва гигиена" кафедрасининг 1-йил клиник ординатори Ойсулов НУРЖОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чўқур таъзия изҳор этади.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСАЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонучилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюуртма Г — 1156. 25237 нусхалда босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланд.

1-Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.05 Тошпирилди — 23.10

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — М. Қолматов.  
Навбатчи — З. Худойшукуров.  
Мусахҳах — Ҳ. Тошқужаев.